

**ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИДА ТРАНСПОРТ ХИЗМАТЛАРИНИ
ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ МУҲИМ ЭЛЕМЕНТЛАРИ:
СЎРОВНОМАЛАРНИНГ ТУРЛАРИ**

Юсупов Жамолбек Зокирович ,

*Тошкент давлат транспорт университети мустақил
тадқиқотчиси*

Аннотация. Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган ислохотларнинг барча соҳаларида татбиқ этилиши ва фуқароларга хизмат кўрсатишда жамоатчилик томонидан ўтказилган сўровномаларнинг муҳимлиги ва улардан олинган натижаларни мониторингни ва татбиқ этилиши масалаларида илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилиниб ўрганилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: *ислохотлар, аҳоли сўровномалари, жамоатчилик фикри, мониторинг, хизмат кўрсатиш, тавсиялар, Ўзбекистон*

Annotation. *The article examines the importance of population surveys in the implementation of reforms in all areas of the Republic of Uzbekistan and the provision of services to citizens. The results obtained during the surveys are scientifically and theoretically analyzed, proposals and recommendations for their monitoring and implementation are developed.*

Keywords : *Reforms, population surveys, public opinion, monitoring, service provision, recommendations, Uzbekistan*

Ўзбекистонда норма ижодкорлиги фаолиятининг сифатини ошириш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишга жамоатчиликни кенг жалб қилган ҳолда чуқур ўйлаган ҳамда ҳисоб-китоб қилинган қарорлар қабул қилиш имконини берувчи янги инновацион “ақилли тартибга солиш” усуллари жорий этиш муҳимдир. Бу назария Президент фармонларида учратишимиз мумкин лекин бунини амалиётга татбиқ этиш механизми анча суст. Сўнги йилларда мамлакатимизда жамоатчилик назорати механизмидан кенг фойдаланиш борасида яна бир қатор Президент фармонлари ва қарорлар қабул қилинган бўлиб, мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда амалга ошириши кўзда тутилган чора-тадбирлар мустаҳкамланган, бироқ бугунги кунга:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 декабрдаги “Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш, бу борада жамоатчилик назоратини кучайтириш ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда”ги ПҚ-4551-сон қарори. Мазкур қарорда илғор хорижий тажрибани ўрганган ҳолда, ҳар бир соҳа ва тармоқлар бўйича жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг таъсирчан ҳамда замонавий тизимини яратиш бўйича алоҳида топшириқлар берилган. Ўзбекистон Республикаси

Президентининг 2020 йил 16 апрелдаги “�збекистон Республикаси Президент хузуридаги жамоатчилик палатасини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-5960-сон Фармони қабул қилинди. Мазкур фармон орқали мамлакатимизда жамоатчилик назоратининг самарали тизимини шакллантириш ҳамда унинг таъсирчан механизмларини жорий этиш устувор вазифалар сифатида белгилаб қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2022 йил 22 апрелдаги “Ижтимоий шериклик ҳамда жамоатчилик назоратини амалга ошириш механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 208-сонли қарори қабул қилинди. Бу билан ННТлар томонидан амалга оширилган жамоатчилик назоратининг якуни бўйича тайёрланган хужжатни давлат органлари ва ташкилотларига юбориш ҳамда давлат органлари ҳамда ташкилотлари томонидан ушбу хужжатнинг кўриб чиқилиши натижаси бўйича қабул қилинган қарорларни эълон қилиш тартиби ўрнатилди.

Жамоатчилик назоратини транспорт хизматларини тартибга солишдаги энг муҳим элементлари бу аҳоли ўртасида сўровномалар ўтказиб бориш. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 15 март 2021 йилдаги ПК-5025-сонли Тартибга солиш таъсирини баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорида ҳамда 2018 йилда қабул қилинган “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонунига асосан жамоатчилик назоратининг субъектлари томонидан давлат органлари ва ташкилотларининг тартибга солиш таъсирини баҳолаш учун маъсул ходимлар руйхатини шакллантириш, уларнинг дойимий малака ва кўникмаларини ошириб бориш, шу жумладан улар учун малакали ўқув курс тадбирларини таклиф сифатида кириб туриш муҳим. Сўровнома сифатли, савияли, муаммо мавзусига қаратилган асосларга қараб тузилиб боришга ижобий кафолат беради. Ва ушбу сўровнома ўтказиш усули орқали аниқланган муаммога ечим, таклиф ва фикрлар ўрганиш имконияти ҳам мавжуд бўлади.

Ҳозирги кунда янги Ўзбекистонда жамоатчилик назоратни айнан транспорт соҳасида таъсирчан элементлари бир қатор ташкилотлар ва институтлар фаолият юритади. Бу тизимнинг асосий мақсади – давлат органлари ва ташкилотларнинг фаолияти устидан айниқса фуқароларга хизмат кўрсатиш структурасига кўпроқ боғлиқ, транспорт соҳаси устидан жамоатчилик томонидан кузатув олиб бориш, шаффофлик ва ҳисобдорликни таъминлашдир. Ўзбекистонда Республикасида фуқаролик жамиятини ривожлантириш агентлиги (ННТ ва жамоатчилик назоратини ривожлантиришда асосий марказ), Нодавлат нотижорат ташкилотлар (жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги турли лойиҳалар ва дастурларни ташкил этади), Оммавий ахборот воситалари (давлат органлари фаолиятини ёритиш ва жамоатчилик фикрини шакллантиришда муҳим роль уйнайди), Парламент комиссиялари ва оммавий сўровлар (жамоатчилик фикрини ўрганиш ва давлат сиёсатини такомиллаштиришга ҳисса қўшишда ҳукумат ҳисоботини қабул қилади), сиёсий партиялар вакиллари томонидан қабуллари ва жамоатчилик эшитувлари(фуқаролар

ва жамоатчилик ташкилотлари билан мулоқат қилиш учун йўлланмалар) айнан ушбу ташкилотлар жамоатчилик назоратининг таъсирчан элементлари сифатида асосан нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти институтлари ҳисобланади. Ҳозирги замонавий тенденцияларни, глобаллашув жараёнида, ислохотларни татбиқ этишда мамлакатимизда транспорт соҳасида илғор технологиялар ва янгиликларни татбиқ этиш жараёни жадал ривожланиши, халқ учун қўлайликлар яратиш ва сифатли хизмат кўрсатиш муҳимлиги эътироф этилмоқда. Охириги йилларда давлат органлари томонидан халқаро ҳамкорлик ва хусусий сектор ўртасидаги ҳамкорлик натижасида бир қатор муҳим лойиҳалар амалга оширилмоқда. Масалан, рақамлаштириш ва электрон тизимларга ўтиш, Ўзбекистонда халқаро ҳамкорилик билан биргаликда электрон тизимларни жорий этилгани (Қозғоғистон билан биргаликда “Рақамли ТИР” пилот лойиҳаси ишга туширилди, бу тизим транзит юк ташиш жараёнини соддалаштирилган қаратилган. Шунингдек, Туркия билан “ePermit” тизимини ишга туширилди бу халқаро юк ташиш жараёнини рақамлаштиришга ёрдам бермоқда.

Интеллектуал транспорт тизимлари, Хитойнинг Yutong Bus Co., Ltd компанияси билан ҳамкорликда ҳайдовчисиз транспорт воситалари бўйича лойиҳалар амалга оширилмоқда. Шунингдек, Hikvision компанияси билан видеокузатув тизимлари ва сунъий интеллект технологиялари жорий этилаётгани маълум. Темир йўл соҳасидаги инновациялар бу соҳада Ўзбекистон ва Россия темир йўл соҳасидаги ҳамкорликлар, Тошкентда ўтказилган халқаро конференцияда композит материаллардан ишлаб чиқарилган поёздлар, электровозлар ва метро вагонлари каби янги ишланмалар тақдим этилди. Шунингдек, Тошкент давлат транспорт университети билан ҳамкорликда мутахассисларни тайёрлаш бўйича дастурлар ишлаб чиқилмоқда. Мултимодал тарнспорт йўлакларини бу йўналишда Ўзбекистон, Туркменистон, Эрон ва Туркия мамлакатлари ўртасида Осиё ва Европа ўртасида халқаро мултимодал транспорт йўлагини шакллантириш бўйича келишув имзоланди. Бу йўлак орқали юк ташишларни осонлаштириш ва тарифларни рақобатбардош қилиш мақсад белгилаб олинган ва энг муҳими жамоат транспорттидаги ислохотлар Тошкент, Самарқанд, Андижон ва Урганч шаҳарларида жамоат транспорти соҳасида хизмат сифатида янги тизим жорий этилди. Бу тизимда автобуслар юрган масофаси доирасида, қатновчи йўловчиларнинг ижобий фикр ва таклиф, мулоҳазалар берилгандан инобатга олиниб ундан сўнг янги йўналишларга маблағлар ажратиб туриш ва татбиқ этиш амалиёти йўлга қўйилди. Ўзбекистонда транспорт соҳасидаги ушбу ислохотлар мамлакатнинг халқаро транзит салоҳиятини ошириш, иқтисодий ривожланишга ҳисса қўшиш ва аҳолига замонавий хизматлар тақдим этишга қаратилган.

Ахборот асри даврида халқаро юк ташиш жараёнини автоматлаштириш, товарларнинг ҳаракатини тезлаштириш ва бюрократик тўсиқларни камайтириш ҳамда халқаро юк ташиш учун рақамли рухсатномалар бериш жорий этилди Ўзбекистон Республикаси Президентининг 4 май 2020 йилдаги ПҚ-4703-сонли Транспорт

соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисидаги қарори Вазирлар Маҳкамасининг 4 июль 2020 йилдаги №421-сонли Кема ҳайдовчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорлари ҳукумат томонидан олиб борилаётган кенг камровли лойиҳаларни амалга татбиқ этиши билан боғлиқ. Трансформация дастурларининг амалга татбиқ этишда жуда катта мавзуларга эътибор берилиши юқорида таъкидлаганимиздек, “ақилли тартибга солиш” жараёнига жиддий эътибор қаратилиши муҳимдир.

Юқоридаги лойиҳаларнинг энг муҳим назарияси, электровозлар ва замонавий поездлар ишлаб чиқариш, темир йўл инфраструктурасини модернизация қилиш ва янги технологияларни жорий этиш, Тошкент давлат транспорт университетида қисқа муддатли замонавий-хорижий тажрибалар асносида малака ошириш курслари ташкиллаштириш зарур. Бу янгиликларга тайёр мутахассисларни тайёрлаш, дуал таълимни татбиқ этишдир .

Охирги йилларда Республика иқтисодиёти ва аҳолисига автотранспорт хизмати кўрсатишни яхшилаш бўйича улкан ишлар амалга оширилганини инобатга олган ҳолда. Йўловчи ташиш йўналишлари тармоғи кўлами 1,4 бараварга ортди, республика бўйича 117 та йўловчи автовокзали ва автостанцияси фаолият кўрсатмоқда. Бу статистика келажакда хизмат кўрсатиш фаолиятини давомий такомиллаштириб боришни тақозо этади.

Ҳаракатдаги таркибни замонавий, қулай автобуслар, микроавтобуслар, юк автомобиллари билан янгилаш, йўналишларни оқилона ташкил этиш ва кенгайтириш, ташишлар хавфсизлиги чораларини кучайтириш ҳисобига аҳолининг автомобиль ташишларига эҳтиёжини имкон қадар тўлақонли таъминлаш автомобиль транспортини ривожлантиришнинг асосий йўналишидир қатори сўровнома анкетасида ривожлантиришга, янгилашга қаратилган мазмунли саволлар билан ўтказилиши муҳим.

REFERENCES

1. Ш.М.Мирзиёев. “Бир макон, бир йўл” –манфаатларимиз муштарак. // Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1 -жилд, Т., “Ўзбекистон”, 2018 й., 409-бет.
2. Ў. УМУРЗОҚОВ. Глобал иқтисодий, транспорт ва транзит йўлаклари интеграцияси Ўзбекистонга нима беради? 12.02. 2021 йил Халқ сўзи.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномаси. – 2020 йил 29-декабрь.
4. Дадашева, А. (2019). Ўзбекистонда маҳаллий ижро ҳокимияти органларининг давлат жамият бошқарув тизимидаги ўрни. Tadqiqot.Uz. <https://doi.org/10.26739/2181-9130-2019-11-6>

5. AA Dadasheva PUBLIC OPINION AND GOVERNMENT EVALUATION IN NEW UZBEKISTAN - The American Journal of Interdisciplinary Innovations ..., 2022 .

6. А ДАДАШЕВА - Взаимодействие органов представительной власти на местах и самоуправления граждан в осуществлении действенного общественного контроля. Fuqarolik jamiyati. Гражданское общество, 2021.

7. AA Дадашева. ДАВЛАТ ХИЗМАТИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ ШАРОИТИДА ҲОКИМЛАР ФАОЛИЯТИ УСТИДАН ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ - Academic research in educational sciences, 2022

8. AA Дадашева ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ–КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОҲОТЛАР ДАВР ТАЛАБИ - Academic research in educational sciences, 2022

Dadasheva A.A, MAIN DIRECTIONS OF IMPLEMENTATION OF PUBLICCONTROL OVER THE ACTIVITY OF GOVERNORS IN THE CONDITIONS OF CIVIL. SERVICE REFORM. Academic research in educational sciences, 117-122.